



Food and Agriculture
Organization of the
United Nations



ТУПРОКНИ ҲИМОЯЛОВЧИ ВА РЕСУРСТЕЖОВЧИ ҚИШЛОҚ ҲҰЖАЛИГИ АМАЛИЁТИ

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда
қишлоқ ҳұжалиги мутахассислари ва фермерлар учун ўқув қўлланма



ТУПРОҚНИ ҲИМОЯЛОВЧИ ВА РЕСУРСТЕЖОВЧИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ АМАЛИЁТИ

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда қишлоқ ҳўжалиги
мутахассислари ва фермерлар учун
ўқув қўлланма

Сандра Корси

Қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор Ҳафиз Мўминжонов
раҳбарлиги ва умумий таҳрири остида

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ

Baktria press
То ғент 2019

631.4
Т86

ФАО. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ ҳўжалиги: Шарқий Европа ва Марказий Осиёда қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари ва фермерлар учун ўқув қўлланма. Тошкент. 160 варақ. Лицензия: CC BYNC-SA 3.0 IGO.

Ушбу қўлланмада қўлланилаётган иборалар ва тақдим этилаётган материаллар БМТнинг Озиқ-овқат ва Қишлоқ Ҳўжалиги Ташкилоти (ФАО) томонидан бирон бир мамлакат, ҳудуд, шаҳар ва туман ёки унинг маъмуриятининг ҳуқуқий мақомига ёки ривожланиш мақомига ёки уларнинг ҳудудлари ёки чегараларига оид ҳеч қандай фикрнинг ифодасини англатмайди. Maxsus компанияларни ёки ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини эслатиб ўтиш, уларнинг патентлангани ёки патентланмаганига қарасдан, эсга олинмаган бошқа худди шундай компанияларни ФАО томонидан маъқулланмаган ёки тавсия этилмаган деган маънени бермайди.

Ушбу қўлланмада ифодаланган фикрлар муаллиф (лар) нинг фикри бўлиб, ФАОнинг нуқтаи назарини ёки сиёсатини акс эттирамайди.

ISBN 978-92-5-131189-9

©FAO, 2019

Баъзи ҳуқуқлар ҳимояланган. Ушбу иш Creative Commons Attribution-NonCommercial-ShareAlike 3.0 IGO (CC BY-NC-SA 3.0 IGO, томонидан берилган лицензияга асосан чоп қилинайти <https://creativecommons.org/licenses/by-nc-sa/3.0/igo>).

Ушбу лицензия шартларига мувофиқ, ушбу ишни кўчириш, қайта тарқатиш ва нотижорат мақсадлар учун мослаштириш мумкин, бироқ бу иш тегишли равиша қайд этилган бўлиши шарт. Ушбу китобни қандай мақсадда қўллашдан қатни назар, ФАО ҳар қандай муайян ташкилот, маҳсулот ёки хизматни қўллаб-куватлаши ҳақида ҳеч қандай тахминлар бўлиши мумкин эмас. ФАО логотипидан фойдаланиш тақиқланган. Агар у ишлатиладиган бўлса, Creative Commons каби худди шундай ёки ўхшаш лицензияга эга бўлиши керак. Агар ушбу китобнинг таржимаси яратилса, у қўйидаги огоҳлантириши ва керакли маълумотномани ўз ичига олиши керак: «Ушбу таржима Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан амалга оширилмади. ФАО ушбу таржиманинг мазмуни ёки аниқлиги учун жавобгар эмас. Инглиз тилидаги нашри нуфузли нашр ҳисобланади».


Лицензия бўйича келиб чиқадиган низоларда воситачилик ҳозирда амалдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг (ЮНСИТРАЛ) Арбитраж қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Учинчи томон ишлаб чиқарувчиларининг материаллари. Жадваллар, ракамлар ёки тасвиirlар каби учинчи томонга тегишли бўлган ушбу асардан материалларни қайта ишлатишни истаган фойдаланувчилар, муаллифлик ҳуқуқини сақловчи томонидан қайта фойдаланиш ва рухсат олиш кераклигини аниқлаш учун жавобгардир. Учинчи томонга тегишли компонентни бузиш натижасида келиб чиқадиган даъво хавфи фақатгина фойдаланувчига боғлиқ.

Сотиш, ҳуқуқ ва лицензия. ФАО ахборот маҳсулотлари ФАО веб-сайтида (www.fao.org/publications) мавжуд ва уларни publications-sales@fao.org орқали сотиб олиш мумкин. Тижорат мақсадларида фойдаланиш учун сўровлар www.fao.org/contact-us/licence-request орқали юборилиши керак. Ҳуқуқлар ва лицензиялаш талаблари copyright@fao.org. орқали топширилиши керак.

Муқовадаги расм: © Б. Сафаров, С. Корси, Х. Муминжонов

Тошкентда чоп қилинди



МУНДАРИЖА

Қисқартмалар	vi
Сүзбоши	vii
Миннатдорлик сўзлари	ix
1. Муқаддима.....	1
2. Ўзгаришларга эҳтиёж – ишлаб чиқаришнинг барқарор интенсификацияси	5
2.1. Соғлом тупроқ – барқарор қишлоқ хўжалиги гарови.....	9
2.2. Қишлоқ хўжалигига барқарорликни таъминлаш учун тупроқ ва ерга ишлов беришдан кўзланган мақсад.....	21
3. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги	25
3.1. ТҲРТҚХни жорий этиш ва қўллашга доир чекловлар ва қарорлар.....	29
3.2. ТҲРТҚХни жорий этиш ва тарқатишга доир сиёсат ва институционал тузилманинг аҳамияти	38
4. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи	
4.1. Қишлоқ хўжалиги учун асбоб-ускуналар ва техника	39
4.1.1. Бегона ўтларга қарши курашиб учун асбоб-ускуналар	41
4.1.2. Ҳиммикларнинг қолдиқларига ишлов бериш за қоплама экинларни етишириш асбоб-ускуналари	41
4.1.3. Шудгор қиммасдан тӯғридан-тӯғри экиш учун асбоб-ускуналар	45
5. ТҲРТҚХ тизимларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар	61
5.1. Ҳиммик қолдиқларига ишлов бериш.....	63
5.2. Экишдан олдинги қоплама экинлар ва бегона ўтларга қарши курашиб	64
5.3. Тупроққа ишлов бермасдан тӯғридан-тӯғри экиш	70
5.4. Экишдан кейин амалга ошириладиган ишлар	74
5.5. Сигтосанитар чора-тадбирлар	75
5.6. Озуқа таъминоти	79
6. Майян мақсадлар учун агротехник тадбирларни ишлаб чиқиши	83
6.1. Қоплама экинларнинг хусусиятлари	85
6.2. Атмашлаб экиш тизимида қоплама экинларнинг жорий этилиши.....	99
7. Қоплама экинлардан фойдаланишига асосланган энг мақбул тизимларни бечувлашда қарор чиқариш механизми	103
8. ТҲРТҚХни жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш учун тавсиялар	
8.1. Кўзимчча ижобий агрономик амалиётлар	111
8.2. Онерлерларнинг дала мактаби билимларни кенг ёйиш намунаси сифатида	117
Библиография	121
Информатикада	144
Ишловларни агадада адабиётлар рўйхати	146

РАСМЛАР

1. Фермерларнинг Тожикистондаги дала куни намойишида иштироки	4
2. Тупроқни босқичма-босқич таназзулга олиб келувчи нишаблик эрозиясига мисол	8
3. Молдавияда Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ ҳўжалиги тизимида ишлов берилган ердаги ўсимлик қолдиқлари.....	9
4. Тупроқнинг pH даражаси шкаласи.....	13
5. Тупроқ организмлари	18
6. Тупроқ юзасини ағдарган ҳолда ерга чуқур ишлов бериш	19
7. Микориз замбуруғлари	22
8. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ ҳўжалигининг уч тамойили.....	27
9. Аҳоли томорқаларида маккажӯхори ва бодрингнинг биргаликда етиширилиши	33
10. Сули ва нўхатнинг биргаликда экилиши таркиби мувозанатланган ем-ҳашакдан юқори ҳосил олинишини таъминлайди ва тупроқнинг ҳолати яхшиланишига кўмаклашади.....	33
11. Фермерлар томонидан кичик ер майдонларида алмашлаб экишга мисоллар	34
12. Тупроқни буғдой қолдиқлари билан ҳимоялаш.....	36
13. Осма қўл пуркагич воситаси	42
14. Қоплама экинларни бостириб янчиш учун барабани қурилма.....	43
15. Гербицидларни қўллаш учун қанотли пуркагич.....	43
16. Соя ҳосилини йиғиб олиш ва ўсимлик қолдиқларининг далага сочиб ташланиши	45
17. Зарбали сеялка ёрдамида шудгор қилмасдан экиш	46
18. Шудгор қилмасдан экиш учун мотигали сеялка.....	47
19. Ҳайвонларга қўшиладиган сеялкалар.....	48
20. Мотоблокка ўрнатилган шудгор қилмай экиш сеялкаси	49
21. Энсиз қаторга шудгор қилмай экиш сеялкаси	50
22. Great Plains 1007NT шудгор қилмай экиш сеялкаси	50
23. Шудгор қилмай экиш сеялкаси қурилмаларининг жойлашуви намунаси ва қирқувчи дискларнинг турлари.....	51
24. Қирқувчи дискларнинг намуналари	51
25. Арманистондаги фермерларнинг дала мактаби иштирокчилари шудгор қилмай экиш сеялкаси билан танишмоқдалар	52
26. Уруғлик учун металл қути ва минерал ўғит учун пластик қути	53
27. Экиш меъёрини созловчи механизм намунаси	53
28. Дисклари сурилган қўшалоқ дискли сошниклар	56
29. Чизелли ёки плугли сеялка	56
30. Ўсимлик қолдиқларини қирқиши диски (кольтер)	57
31. Қўшалоқ дискли сошниклар.....	57
32. Чизелли (чапда) ва қўшалоқ дискли (ўнгда) ўғит солиш қурилмаси	58
33. Шимолий Қозоғистонда экинларнинг қолдиқлари ёрдамида қорни тутиб туриш	64
34. Тоҷикистонда ҳосили йиғиб олинган буғдойзорга ёзги маккажӯхорининг шудгор қилинмай экилиши	70
35. Анъанавий экиш шаклини (чапда) доимий пуштага экиш шакли (ўнгда) билан солишириш	72
36. Қирғизистонда маккажӯхори экиш учун пушталарни шакллантириш	72
37. Қирғизистонда кенг тарқалган бегона ўт – ёввойи сули билан қаттиқ зааралланган арпа экини	75
38. Тоҷикистонда буғдой (A) ва қоплама экин навлари (B) синови	89
39. Ўсимлик қолдиқлари тез чиришининг тупроқ тузилмасига таъсири	91
40. Арманистонда ресурстежовчи қишлоқ ҳўжалиги усулида етиширилган буғдой даласи	101
41. Аракат водийсида ерга ишлов бериш тизимининг диверсификация қилиниши.....	101

ЖАДВАЛЛАР

1. Тупроқнинг иқлим ўзгаришларига мослашуви ва унинг оқибатларини юмшатиш ҳамда барқарорлигини ошириш тамойиллари	11
2. Тупроқ зичлигининг энг мақбул кўрсаткичлари ва турлича хусусиятга эга бўлган тупроқлар учун илдизларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи тупроқ ҳажм массаси кўрсаткичлари	12
3. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалигида доимий пуштага экишнинг ерни шудгорлаш ва бостириб суғориш тизими билан солиширилиши	73
4. Қишлоқ хўжалиги экинлари кетма-кетлигининг номақбул шакллари.....	76
5. Кўп функционал қоплама экинлар аралашмасига мисоллар.....	91
6. Тўрли қоплама экинларнинг ер усти қисмида азотнинг тўпланиш миқдорини баҳолаш.....	92
7. Тупроқ тузилмасини ва ғоваклигини турли экинларнинг аралашмаси ёрдамида яхшилаш ҳамда уларни етиштириш технологияларига мисоллар.....	95
8. Иссик мавсум қоплама экинларининг вегетация даврида тупроқ қопламаси	96
9. Савук мавсум қоплама экинларининг вегетация даврида тупроқ қопламаси.....	97
10. Айрим қоплама экинларнинг тупроқ устки қисми —шаб чиқарган қуруқ масса миқдорини баҳолаш.....	98
11. Ажмашлаб экишдаги асосий экинларнинг вегетация даври.....	108
12. Ажмашлаб экиш тизимига киритиладиган салоҳиятли қоплама экинларнинг вегетация даври.....	108
13. Экинларни етиштиришнинг илфор агротехник амалиётлари.....	115
14. Асосий дала экинлари тавсифи.....	123
15. Асосий қоплама экинларнинг тавсифи.....	125
16. Ажмашлаб хусусиятларга эга қоплама экинлар	133
17. Қоплама экинларга асосланган тизимларда экинлар кетма-кетлигига мисоллар.....	136
18. Европа ва Марказий Осиё учун мос қоплама экинларга асосланган —шаб экишга мисоллар.....	137

ҚИСҚАРТМАЛАР

ТВБ	Тупроқни визуал баҳолаш
ТОМ	Тупроқ органик моддаси
ТОУ	Тупроқ органик углероди
ТҮҮ	Тожикистон уруғчилик уюшмаси
ТҲРТҚҲ	Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги
ФАО	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишил ташкилоти
ФДМ	Фермерларнинг дала мактаби
ҚҮУ	Қирғизистон уруғчилик уюшмаси

СҮЗБОШИ

Шарқий Европа ва Марказий Осиё қишлоқ хўжалиги мазмунан хилма-хил бўлиб, минтақа мамлакатлари иқтисодиётини озиқ-овқат, озуқа ва техник экинларнинг ҳосилдорлигини ва умумий самарадорлигини ошириш йўли билан ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Шу маънода тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги (ТҲРТҚХ) амалда минтақада ишлаб чиқариш тизимларининг барқарор интенсификация қилиниши бўйича кенг кўламли вазифани бажариши мумкин.

Фермерлар барқарор ишлаб чиқарышнинг мақбул тизимларидан фойдаланишга ўта олишлари учун уларни тегишили қулай муҳит билан, шунингдек, уларнинг билимлар ва хизматлардан фойдалана олишини (жумладан, мэслагатлар бериш, механизация, материаллар, бозорни ўрганиш ва ҳ.к.) таъминлаш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Фермерларнинг дала мактаблари (ФДМ) ТҲРТҚХ ҳақида тажриба ва биеналмашиш, миллий ҳамкорларнинг техник ва илмий салоҳиятини ошириш ўн жуда қулай бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ва ҳамине тизимининг кенг кўламда жорий этиши ва қўлланилишига кўмаклашади. Билимлар, кўнікмалар ва амалийларни тарқатиш бўйича кенг ёйилган мөмкәнка эга ФДМ фасилитаторларни таълаб этилиши ва ўқитилиши йўли менавзан, шунингдек, уларнинг маҳаллий фермерлар билан алоқаси орқали янги технологияларни жорий этиш ва кенг бўйича барча ахборот-амалий мактабларни имкон қадар тўлиқ қамраборида кўмаклашади. Бироқ билимларни ёйинда ягона ёндашувни таъминлаш учун батафсил қўлланмага эҳтиёж

борки, у нафақат зарур ахборотни таъдим этувчи манба бўлади, балки уни бундан буён тарқатилиши бўйича ёндешувнинг шакллантирилишига ҳам ёдам беради.

Мазкур қўлланма ФДМ ва ТҲРТҚХ ҳақида қишлоқ хўжалиги билимларни тарқатиш бўйича хизматлар фасилитаторлари учун изчил техник қўлла ма сифатида ишлаб чиқилган. Бундаташқари, қўлланма тегишили йўналишдиги таълим муассасаларида қишлоқ хўжалиги бўйича академик курслар дорасида ҳам қўлланилиши мумкин.

“Жонли” хужжат ҳисобланмиш ушбу қўлланма материаллар ва амалий тажриба тўпланиши асносида мунтазам яхилаб борилади.

Мазкур қўлланма фойдаланувчани ТҲРТҚХ жорий этилишининг назарий жиҳатлари ва амалиёти билан таъминтирибигина қолмай, фермерларни гурухларида ўқув машғулотларини ўказиш учун зарур материал билан ҳам таъминлайди. Бироқ бу оддий қўлланмёки жорий этиш учун қадам-бақада йўриқнома бўла олмайди, чунки у муайян вазиятда қўлланилиши мумкин бўйиган стандарт формулировкалар ёки универсал тавсияларни ўз ичига олмайди ва бир ечимга келишнинг стандарт йўларини таклиф этмайди. Аксинча, ушбу қўлланма ТҲРТҚХни барқарор суратди жорий этиш бўйича техник тавсияларни таклиф этади ва энг муҳими, маҳаллий шарт-шароит, устуворликлар ва мавжуд захиралар инобатта олинишини тавсия қиласи.

Мазкур қўлланма жараёнларни содалаштириш воситаси сифатида ишлаб чиқилмаган. Ундаги ҳар бир мавзуу теж

ник ёки амалий жиҳатдан кўриб чиқида-ди, холос. Умуман олганда, ушбу қўллан-ма содда ва тушунарли тилда ёзилган. Бироқ қўлланмадан айрим техник ата-малар ҳам ўрин олганки, улар муай-ян агрономик тажрибага эга кишилар учун фойдадан холи бўлмайди. Матнда илк маротаба ишлатилган атамаларга изоҳлар матннинг ўзида ёки алоҳида ҳаволалар орқали берилади.

Кўлланма мавзуга оид саккиз боб-дан иборат бўлиб, мазкур курс доираси-да қишлоқ хўжалигига оид билимларни ёйиш бўйича маслаҳатчилар (фасили-таторлар)ни ўқитиш учун маҳсус тайёр-ланган ва мослаштирилган материал-

ларни ўз ичига олади.

Ўқув машғулотларини ў силитаторлар муайян ша ТҲРТҚҲ жорий этилиши бўй мий амалиёт ишини ўтаганлийингина бундан буён ўқув қ олиб бориш хуқуқига эга бўл

Умид қиласизки, мазкур да баён этилган ахборот б тарқатиш кўникмаларини ририш ҳамда манфаатдор фе мутахассисларнинг кенг омм да тупроқни ҳимояловчи вә жовчи қишлоқ хўжалигини ж га кўмаклашади.

МИННАТДОРЛИК СЎЗЛАРИ

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги” ўкув солганинг минтақадаги мамлакатлар мутахассисларининг қимматли маслаҳатлари ва улар томонидан тақдим этилган материаллар асосида кўллаб чиқилди, шунингдек, Бирлашган қоғозчилар Ташкилотининг Озиқ-овқати қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) кўмаги туфайли нашр этилди.

Шумносабат билан, мазкур қўлланманинг тайёрланиши жараёнида менга бекорига ёки билвосита ёрдам берганни учун қуидаги инсонлар ва муасисатларга миннатдорчилик билдиришни здим.

Мазкур қўлланманинг тайёрланиши Мурод Мўминжонов (ФАОнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун Субминистори бўлими ўсимлиқшунослик ва инженерларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассиси), Аветик Нерсисян (ФАОнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Минтақавий бўлими ўсимлиқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассиси), Жозеф Бене (ФАОнинг Ўсимлиқшунослик ва инженерларни ҳимоя қилиш Департаментида қишлоқ хўжалиги муҳандиси) ва Абдулла Абддер (ФАОнинг Ўсимлиқшунослик ва инженерларни ҳимоя қилиш Департаментида қошидаги гурух раҳбари) ва Абдуллоев Саломат саломатлиги ва даромадотни турхонларнинг қўллаб-қувватлаштирилган маслаҳатлари туфайли оширилди.

Сўзларни оширишадиги консорциумлари – «АгроЛид» жаҳон ширинчалари (Узбекистон), «Кооперативи» (Тоҷикистон), «АгроКУУ» (Кыргизистон) ва Тоҷикистон уруғи



Доктор Сандра Корси,
Тупроқни ҳимояловчи ва
ресурсстежовчи қишлоқ хўжалиги
бўйича мутахассис

чилик уюшмалари (ТҮҮ) ва Қишлоқ жалиги туманларини ривожлантиришни ноҳукумат «ACSA» Миллий агентлиги (Молдавия)га ҳамда уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашга доим шайхдимларига ўз миннатдорчилигим билдираман.

Шунингдек, қўллаб-қувватлашладиги фойдали маслаҳатлари ва қиммат техник кўмаги учун ФАОнинг Ўсимлиқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш Департаментидаги дўстларим ҳамкасларимга, хусусан, Мануэла Альварес (Ўсимликларни интеграциялантириш ҳимоялаш Дастури мутахассиси) ва Томас Фик Эласмар (техник ходим), шунингдек, ФАОнинг минтақа мамлакатларидаги бўлимлари масъул ходимлари ҳам миннатдорлик изҳор қиласман.

Фойдали муҳокамалари, шунингдек амалий маслаҳатлари ва таклифири учун Дебора Дювеског (ФАОнинг Шарқий ва Марказий Африка бўйича

Субмінтақавий бўлими Фавқулодда ҳолатлар ва қишлоқ жамоаларини ри-вожлантириш бўйича эксперти), Омурбек Мамбетов ва Жойил Болокбоев (ФАО маслаҳатчилари, Қирғизистон), Маъруфқўл Маҳкамов, Мунира Отамбекова ва Баҳромиддин Хусенов (ФАО маслаҳатчилари, Тоҷикистон), Армен Довлатян (ФАО маслаҳатчиси, Арме-ния), Вахан Амирханян (Европа қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ туманларини ри-вожлантириш бўйича қўшничилик дас-тури (ENPARD) лойиҳаси раҳбари), Гагик Mkrtchyan (Арманистон технологик гуруҳи Жамғармаси раҳбари), Унан Ка-зарян (Арманистон Тупроқшунослик, мелиорация ва агрокимё Илмий мар-кази раҳбари), Нуне Саруханян («Яшил сўқмоқ» ноҳукумат ташкилоти прези-денти), Теодор Фридрих (ФАОнинг Кубадаги вакили), Амир Кассам (Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги бўйича эксперт), Ароа Сан-тьяго Батиста (ФАОнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё Минтақавий бўли-ми гендер масалалари бўйича халқа-ро консультант), Александра Бот (Ту-проқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги бўйича эксперт), шу-нингдек, Мурат Қорабоев (СИММИТнинг

Қозоғистондаги вакили) ва Хорун Чичек (Кония қишлоқ хўжалиги университети профессори, Туркия)ларга миннатдор-лигимни билдираман.

Сўзимнинг ниҳоясида мазкур кўл-ланмани тайёрлаш жараёнида бир қа-тор қимматли нашрлардан катта миқ-дордаги маълумотларни олганлигимни миннатдорлик билан эътироф этмоқчи-ман.

Роланд Банч ва Барқарор қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълими Дастирининг қоплама экинлар бўйича нашрлари, Джон Ландерснинг тупроқни шудгор қилмасдан экишда механизациялашган амалиётлар бўйича нашри, шунингдек, ФАО ва Фермерларнинг дала мактаблари бўйича Шолишилик тадқиқотлар Халқаро институти нашр-лари билимлар ҳамда фермерлар ва тупроққа ишлов бериш тизимлари эҳти-ёжларига жавоб берувчи амалий тав-сияларнинг бой манбаси бўлиб хизмат қилди.

Номлари эътироф этилганларнинг барчасига ўзимнинг самимий миннат-дорлигимни билдираман.

МУҚАДДИМА

© ФАО/Х. Мўминжонов, А. Нурбеков

1-БОБ





1. МУҚАДДИМА

Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида камхаражат дехқончилик тизимларида донли экинлар устувор бўлиб, асосан, монокультура йўли билан етиширилади ва тупроққа интенсив тарзда ишлов берилиши, сўзсиз касалликлар, бегона ўтлар ва зааркунандалар кўпайишига ва пировардида экинларнинг ҳосилига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлади, бу эса фермерларнинг даромади қисқаришига олиб келади. Тупроққа механик ишлов бериш, унинг юзасини очиб ташлашга асосланган қишлоқ хўжалиги модели ва узлуксиз монокультура амалиёти асосий табиий қишлоқ хўжалиги захираларига шу даражада салбий таъсир кўрсатадики, келажак-да қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга ҳам хавф солади. Ерга ишлов берининг бу тури биохилма-хилликини йўқотилиши, шунингдек, тупроқни генераллашуви ва эрозияси суратлари ташвиши оқибатида унинг бой берини учун асосий сабаб сифатида эътирас этилади.

Минтақада мавжуд ерларнинг катта амалда қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун кам яроқли ёки аҳоли жойлари ва инфратузилма билан банд ёхуд экотизимнинг соғлом фаолиятни оқибатиши учун зарурроқ бўлган бошқа махсадларда фойдаланиладики, ўрмон-йоловлар, табиатни ҳимояловчи зонылар шулар жумласидандир. Шу бўсин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ажсан экинларнинг ҳосилдорлигини олиниш, яъни бир майдон бирлигига синадиган маҳсулот миқдорини иштептиришга боғлиқдир.

Ҳозирнинг ўзида ишлаб чиқариш зоныларини яхшилашда экотизим хиз-

матларидан¹ фойда олувчи ва ўзини ўзи қайта тикловчи агроэкотизимлар яратилишига кўмаклашувчи фермерларга фаол етакчи бўлишдек масъулиятли вазифани топширишга кучли зарурат сезилмоқда.

ФАО табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни бошқариш амалиётига бундай аралашувни қўллаб-куватлайдики, бу кўп функционал қишлоқ хўжалиги ландшафтлари яратилишига кўмаклашади ва бунинг натижасида ҳамжамиятларга кўпсонли экотизим хизматлари кўрсатилиши ва улар мазкур ландшафтлар билан боғлиқ бўлган тегишли фойдани олишлари таъминланади.

Тупроқ қатламига механик ишлов беришдан сақланиш ёки унга минимал ишлов берилиши (шудгор қилмаслик) ни таъминлаш ва буни ерга ишлов бериш ҳамда алмашлаб экиш тизимларини диверсификациялаш билан уйғулаштириш мақсадини кўзловчи тизим сифатида ТҲРТҚҲ амалиётини ишлаб чиқаришини амалга ошириш учун барқарор агроэкологик ёндашув хисобланади. Минтақада ерларнинг унумдорлигини оширишга қодир ТҲРТҚҲ тизимлари ишлаб чиқилмоқда, синовдан ўтказилмоқда ва жорий этилмоқда. Бирорқ бу хўжалик юритишнинг янги тизими ва тадбиркорликнинг янги усусларига ўтиш муваффакиятсизликка учраши эҳтимоли ёки реал хавфи билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис мазкур қўлланма ТҲРТҚҲнинг самарали тизимла-

¹ Экотизим хизматлари – инсонлар экотизимдан оладиган фойда демак. Улар таъминот хизматлари (озиқ-овқат, сув, ёғоч ва х.к.), тартибга солиш хизматлари (сувни, иклими, зарарли организмларни тартибга солиш ва х.к.) ва маданий хизматлар (рекреация ва экосайёхлик, эстетик, таълим ва х.к.)дан иборатки, улар инсонлар ва бошқа хизматлар сақлаб қолиниши учун зарур бўлган қўллаб-куватловчи хизматлар (тупроқ тузилиши, моддалар айланиши, бирламчи маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади).

ри муваффақиятли жорий этилишини таъминлаш учун зарур икки таркибий қисмни белгилаб беради. Улардан бири кўп тармоқли илмий-техник салоҳиятни яратишдан иборат. Иккинчи ва янада муҳимроқ таркибий қисм – алоҳида фермерлар билан эмас, балки фермерлар гуруҳи ёки ҳамжамияти билан узвий алоқадорликда ишлаш зарурияти бўлиб, бу уларда мавжуд тажриба ва анъанавий билимларни кўпайтириб боришини назарда тутади.

Ерга ишлов бериш усуллари, шу жумладан, ТҲРТҚҲ шу заҳотиёқ ва хоҳлаган жойда стандарт тарзда қўллаш мумкин бўлган ягона ёки унификацияланган технология эмас. Бу кўпроқ жойларда қўллаш мумкин бўлган амалиётлар, ёндашувлар ва усулларни ишлаб чиқишга кўмаклашадиган ўзаро боғлиқ таймойиллар тўпламидир. Эгилувчанлиги ва қўлланиладиган усулларнинг хилма-хиллиги боис фермерларнинг дала

мактаблари алоҳида олинган маҳаллий шарт-шароитларда ТҲРТҚҲ тамойилларини синовдан ўтказиш, баҳолаш, қўллаб-қувватлаш, сўнгра жорий этиш ва тарқатиш учун идеал муҳитни таъмин этади. Дала мактаблари фасилитаторлари/тренерлари ва қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатувчи хизматлар ходимларига юқлатилган асосий роль шундан иборатки, улар фермерларни диққат билан тинглай билишлари, уларнинг тажрибасини ҳурматлашлари ҳамда уларнинг билимлари ва устуворликлари аҳамиятига нописанд муносабат билдиришга асло шошилмасликлари лозим. Шунингдек, улар фермерларнинг ўзлари танлаган технологиялар қандай қилиб маҳаллий эҳтиёжларга энг мақбул тарзда мослаштирилиши, улар ҳақидаги аҳборот тарқатилиши ва/ёки уларнинг илгари суримиши мумкинлигини ўрганишлари мақсадга мувофиқ бўлади.



© ФАО/А.Нурбеков

1-расм. Фермерларнинг Ўзбекистондаги дала куни намойишида иштироки.

ЎЗГАРИШЛАРГА ЭҲТИЁЖ – ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАРҚАРОР ИНТЕНСИФИКАЦИЯСИ

© ЗАО С. Янатма, Х. Муминжонов, С. Корси

2-БОБ



2. ЎЗГАРИШЛАРГА ЭҲТИЁЖ – ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАРҚАРОР ИНТЕНСИФИКАЦИЯСИ

Еларнинг таназзули ва тупроқ унумдорлигининг пасайиши – минтақадаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги турғунлик ва ўсиш суръати тушиб кетишининг икки асосий себебидир. Тупроқ таназзули билан борбори хатарларга, одатда, эътиборсиз осабатда бўладилар, чунки эрозия батидага ҳаво ва сувнинг ифлослашаби омилларнинг баҳоланиши иштирокисиз амалга ошиш шу боис фермерлар бундан мурод қоладилар. Бундай шароитда муаммолардан хабардор ва уларни ҳал этиш бўйича хатти-ҳаракатларни амалга даргумон.

Демак тозга ёқимлилиги ва ҳафтадалган ер егаси бўлмиш фермер ҳисобланиши сингиб кетган. Ерни тайинчидаги амалиётларни ўз ичига ерни ҳайдаш, диск-Буларнинг бари экин тупроқни уруғ экиш ва берона ўтларни йўқ қишиш массадида амалга бўлсек тупроқнинг соғломлилиги нуқтаи назаране афдаришнинг самарали фойдаларини экинлар ҳосилини таъминланг имкони биомасса таъминлаши би-тировардида борган сари забийи тузизни тупроқнинг агрегатларни бўл келади.

Тозиган тупроқни ўзлашув ва ишланашини искинчи ўтган орнага биохилосидадир.

Ерни бир хил чуқурлиқда мунтазам ҳайдаб туриш ва қишлоқ хўжалиги техникасининг тупроққа доимий босим ўтказиши тупроқнинг пастки қатламлари зичлашуви ва плуг ости қатлами шаклланишига олиб келади. Натижада тупроқ фаолияти учун ҳаётий зарур бўлган ва экинларнинг ўсиши (илдиз тизими ривожланиши, кислород билан таъминланиши ва тупроқ сувлари кўчиши) учун самарали мухит ҳисобланмиш тупроқ агрегатлари ишдан чиқади ва тупроқ бўшлиқларининг ўлчамлари қисқаради.

Намликтининг сингиши ва унинг тутиб турилиши кўрсаткичлари пасайиб боргани ҳолда айни пайтда сувнинг тупроқ юзаси бўйлаб оқиши кучаяди, тупроқ, озуқа элементлари ва органик моддалар эса йўқолиб боради. Органик массанинг йўқотилиши ўз навбатида тупроқни гумин моддалари билан таъминлашда мухим бўлган, тупроқ агрегатлари барқарорлигини таъмин этишга ва ўсимликлар ўзига қабул қилиб оладиган озуқа моддаларининг бўшалишига кўмаклашувчи кимёвий-биологик жараёнларни секинлаштиради.

Тупроқнинг биотаси ҳам салбий таъсирдан “бенасиб” қолмайди: тупроқнинг кўпчиши ва органик моддаларнинг янада чуқурроқ қатламларга кириб боришини таъминловчи ёмғир чувалчанглари популяцияси сезиларли равища камаяди. Булар эса, ўз навбатида, кенг тарқалган қишлоқ хўжалиги амалиётида ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига ва фойданинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Хозирги вақтда ерга шудгорлаш йўли билан ишлов беришга муқобил бўлган усуллар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги барқарорлигини сақлаб қолиш ва яхшилаш учун агроэкотизимларни бошқаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақбул



© ФАО/ С. Янатма

2-расм. Тупроқни босқичма-босқич таназзулга олиб келувчи нишаблик эрозиясига мисол.

энг самарали стратегияси биринчи навбатда тупроқнинг сақлаб қолинишидан иборатdir. Муқаммал агротехник тадбирларни амалга ошириш йўли билан тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва уни ошириш ҳам муҳим бўлиб, бунинг натижасида тупроқ органик моддалари таркиби камаймайди ва унинг биологик фаоллигига путур етмайди. Бунда тупроқ йўқотилиши қисқаради ва рақобатбардош ҳосил ҳамда иккиласччи биомасса олиш имконияти туғилади.

Барқарор қишлоқ ҳўжалиги амалиётни, худди энг барқарор табиий экотизимлар каби, турларнинг хилма-хиллигини қўллаб-қувватлаш йўли билан тупроқни доимий ва тўлиқ ҳимоялашга асосланган:

1. Тупроқ юзасида ўсимликларнинг ҳимоя қоплами (мульча ёки ўсимлик қолдиқлари) қолдирилиши лозим;
2. Тупроқка механик ишлов берилиши минимал миқдорга келтирилиши ва уруғ қадаш ҳамда ўғит солиш билан гина чекланиши лозим;
3. Иқтисодий жиҳатдан пухта режалаштирилган алмашлаб экиш тупроқ

юзасида ва остки қисмида органик моддаларнинг кўпайишини кафолатлади ва шу орқали тупроқ юзаси ҳимоясини таъминлабгина қолмай, унинг остидаги ҳаёт фаолияти учун қулай муҳит яратади, бу эса тупроқнинг тузилмасини қўллаб-қувватлади ва яхшилади, эрозия ва намлиқ буғланиши суръатларини пасайтиради, тупроқнинг сувни тутиб туриш қобилиятини оширади ҳамда ўсимликлар учун озуқа элементлари етиб боришини яхшилади.

“Тупроқ-ўсимлик-сув-ўғит” яхлит тизими меъёрида фаолият кўрсатиши учун тупроқнинг зарур ҳолатда тутиб турилиши тупроқ биотасининг ўзини-ўзи тиклаш қобилиятини яхшилаш, ерларнинг унумдорлик салоҳиятини барқарор суръатда сақлаб қолиш ва ердан фойдаланиш барқарор тарзда интенсивлаштирилиши имконияти таъмин этилишининг асосий омили ҳисобланади.

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштиришнинг барқарор тарзда интенсивлашти-

1-лавҳа. Шарқий Европа ва Марказий Осиёда қишлоқ ҳұжалиги экинлари етиштиришнинг барқарор тарзда интенсивлаштирилиши мұаммолари

- Тупроқ таназзули – асосий иқтисодий, ижтимоий ва экологик мұаммо.
- Экін әкіладиган ерлар таназзули ва چүллашувининг әнг асосий сабаблари қуидагилардан иборат:
- агротехник тадбирларнинг қониқарсиз эканлиги ва бунинг оқибатида эрозиянинг келиб чиқиши, қолаверса, унга тупроққа механик ишлов бериш ҳам ҳисса күшади (бу ўз навбатида сув ва шамол эрозиясینи тезлаштиради);
- тупроқнинг зичлашуви, чорва молларининг меңгеридан ортиқ үтлатилиши ва озуқа моддаларининг чиқарилиши;
- Совет Иттифоқи парчаланып кетганидан сүнг ерларнинг бұлакларға ажralиши ва/ёки ерларнинг ташландық ҳолға келиши билан боғлық ҳолда ердан фойдаланыш самарадорлигининг пасайиши, бу ҳолат, айниқса, ламмикор ерлар, тоғ да тоғолды тұманларыда рүй-рост сезилади ва ҳатто, әнг унумдор ерлар ҳам ҳосилдорлик пасайишидан күтулиб қола олмади;
- зарур ишлаб чиқарыш воситалари (минерал үғитлар ва үсімлікларни ҳимоя қилиш воситалари) билан тәъминлаш учун молиявий құмакнинг мавжуд әмаслиги, шунингдек, хилма-хил навлар ва сифатлы уруғлук материалдан фойдаланыш имконияти йүқлиги табиий равишда қуидаги ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлади;
- экинларга/тупроққа маромида ишлов беришнинг фойдалари ва ижобий амалиёти доимий равишида инкор этилиши;
- қишлоқ ҳұжалиги экинлари самарадорлигининг пасайиши;
- техниканың етишмаслиги оммавий тус олганлиги. Барча фермерлар ҳамжамиятлари учун лозим хизматларни ўз вақтида етказиб бериш имконияти мавжуд әмаслиги экинларни етиштириш усулларининг ўта самарасиз бўлиши ва ҳосилнинг йўқотилишига олиб келади;
- суғориш учун сувнинг доимий етишмаслиги, суғориш мүмкін бўлган жойларда эса суғоришнинг самарасиз технологияларидан фойдаланиш оммавий тус олганлиги;
- фермерларнинг экинларни етиштириш бўйича билимлари етарли әмаслиги ҳам қишлоқ ҳұжалиги ишлаб чиқариши ривожи учун хавф туғдиради;
- мутахассислар, моддий воситалар ва молиявий маблағлар етишмаслиги сабабли маслаҳат бериш ва қишлоқ ҳұжалиги билимларини тарқатиш бўйича ижтимоий хизматлар етарли даражада ривожланмаганлиги;
- фикрлаш тарзини ўзгартыриш қыйинлиги. Фермерлар экинларнинг чекланған турларини етиштиришга одатланиб қолишган ва бошқа экинларни етиштиришни ёки экинларни етиштиришнинг анъянавий усулларини ўзгартышини истамайдилар.

тупроқ” қанчалик қимматга тушиши ўз-ўзидан равшан. Фермер ҳұжаликлирида тупроқ эрозияси үғитлар сарфи ортиши ва ҳосилдорлик камайишига олиб келади. Эрозия тупроқнинг табиий юқори қатламини йўққа чиқаради ва бу органик моддаларнинг қисқариши билан кечади, шудгорлаш эса тупроқ остики қисмининг унинг устки қатлами билан аралашиб кетишига олиб келади. Соз тупроқнинг остики қисми органик моддаларга у қадар бой әмас ва камроқ унумдор бўлади.

Тупроқнинг хусусиятлари, тузилиши ва унинг сувни тутиб туриш қобилияти

Тупроқда сув захираларининг мавжуд бўлиши кўп омиллар, хусусан, ёғингарчилик миқдори, унумдор қатламнинг чуқурлиги, тупроқнинг хусусиятлари (гранулометрик ёки механик таркиби) ва тузилиши билан боғлик. Тупроқнинг хусусиятлари тупроқнинг сувни тутиб туриш хусусиятини ва унинг озуқа моддаларини тутиб туриши ва алмашинувини таъминловчи турли ўлчамдаги минерал зарралар (құм, гил, лой)нинг нисбий мутаносиблиги билан белгиланади. Тупроқнинг тузилиши юқорида кўрсатилган зарраларнинг агрегатларда жойлашуви билан белгиланади. Тупроқнинг хусусиятларидан фарқи үларок, унинг

Гарнишини тўғри агротехник тадбирлар ёрдамида ўзгартариш мумкин.

Ҳар хил турдаги ва турлича хусусиятга эга тупроқ сув ўтказувчанлик ҳамда тупроқдаги органик углерод (ТОУ)ни ҳимоя қилишнинг турли даражалари таъминлайди. Тупроқ агрегатида барқарор шакллари, масалан, ўз оғирлигидан 7 баравар катта дардаги сувни ўз ичига сингдириши мумкин. Демак, алоҳида зарралар ва сасакларга енгил ажralувчан ғовак туғмага эга тупроқ сувни зич тупроққа сағандада тезроқ сингдиради. Қум ва тарнининг ўлчамлари каттароқ экан-бис сув ўтказиш қобилияти катта, сабабли қумли тупроқнинг унумдорлик пастроқ бўлади, натижада таркибида гидравлика ва лой кўпроқ бўлиб, сув ва моддаларни тутиб туриш қобилийати таъзок бўлган тупроққа нисбатан таъминланганликни тутиб туриш қобилияти ҳимояланиш даражаси пайдо ёлади.

Ишлов бериш сувнинг сингдириши тупроқнинг унинг юзасидан

кетишини камайтириш таъсир этиши ва сувни тупроқни сақлаб қолиши мумкин:

Тарнининг унумдорлигини таъсирлаб, тупроқ иклим шароити таъсирлаб, моддаларни қўшиш, тизимларда эса томонидан таъсирлаб – орқали озуқа эле-

тиш йўли билан таъсирлаб, тупроқни тупроқ юза қисми таъсирлаб, тупроқ тузилмасига таъсирлаб, тупроқни таъсисига таъсири таъсирлаб, эса орқали сингдириши тупроқнинг сувни туғмага таъсирлаб – таъсирлаб ва сувнинг

1-жадвал. Тупроқнинг иклим ўзгаришларига мослашуви ва унинг оқибатларини юмшатиш ҳамда барқарорлигини ошириш тамойиллари.

Тупроқнинг ҳолати ва унинг хусусиятларини баҳолаш	Тупроқнинг сувни тутиб туриш қобилиятини яхшилаш Тупроқ эрозиясига қарши курашиш Органик моддалар таркибини кўтариш йўли билан тупроқ тузилмасини яхшилаш ТОУни секвестрлаш (тутиб қолиш) учун ТОМни тартибга солиб туриш Озуқа моддалари билан таъминланганликни ошириш
---	--

Ўсимликларга етиб боришига таъсир қиласди;

- тупроқ зичлиги ҳолатининг яхшиланиши ёғингарчилик сувлари намлигидан фойдаланиш самарадорлигини ва унумдорликни оширади, шунингдек, эрозия суръатлари, тупроқ зарралари дисперсияси ва ботқоқлашув хавфини пасайтиради. Зич тупроқ ёки остки қатлами зичлашган тупроқ ботқоқлашувга мойил бўлади, кейин эса тез қурийди.

Тупроқ ҳажм массаси

Тупроқ ҳажм массаси – тупроқнинг муайян ҳажмида зарраларнинг ўлчанган массасидир. Тупроқнинг ҳажм массаси ошиши билан унинг ғоваклиги пасаяди.

Тупроқ ҳажм массасининг паст бўлиши ўсимликлар учун энг мақбул ҳолатdir. Сув, ҳаво ва илдизларнинг тупроқда бемалол ҳаракатланишига имкон берувчи оптимал Тупроқ ҳажм массаси тупроқнинг хусусиятлари билан боғлиқ. 2-жадвалда ҳар хил тупроқ турларининг ўта қулай ва қониқарсиз зичлиги кўрсаткичлари келтирилган.

Тупроқ ҳажм массасининг юқорили-

ги ҳар доим ҳам тупроқ зич эканлигини англатавермайди. Тупроқнинг самарали фаолияти учун унинг тузилиши, ғоваклиги ва агрегатларининг барқарорлиги муҳим бўлиб, улар сингиш самарадорлигига, сув ва озуқа моддаларини тутиб туриш қобилиятига, тупроқнинг ювиб турилиши ва унинг дренажи, аэрацияси ва ўтказувчаник қобилиятига таъсир кўрсатади. Ерни давомли тарзда ҳайдаш тупроқнинг зичлигини оширибгина қолмай, унинг функционаллигига ҳам зарарли таъсир қиласди. ТҲРТҚХ жорий этилган дастлабки даврларда тупроқнинг асосан юқори қатламидаги (5 см) зичлик ошиши кузатилиши мумкин. Бироқ айни пайтда унинг тупроқ соғломлиги ва қишлоқ хўжалиги унумдорлиги билан боғлиқ барча функциялари яхшиланади.

Тупроқ қатлами чуқурлиги

Тупроқ қатлами чуқурроқ бўлган далалар (кучли тупроқ) тупроқ қатлами саёзроқ бўлган далаларга қараганда сувни кўпроқ тутиб туриш қобилиятига эга, чунки чуқурроқ қатламларда сув тўпланиши учун ғоваклар ва жой кўпроқ

бўлади. Яхши тузилмали кучли тупроқ сувни ўзига кўпроқ муддат сингдириб турла олиш қобилиятига эга.

Тупроқ ости қатламининг зичлашуви кучли тупроқни заифлаширади, шу боис бу қатламни бузиб ташлаш лозим бўлади.

Агар тупроқ заиф бўлса, тупроқни бошқа жойлардан олиб келиш, органик ўғит солиш ёки яшил ўғитлардан фойдаланиш (қоплама экинларни етиштириш 6.1-бўлимда баён қилинган) тавсия этилади. Ерга ишлов беришнинг суфориладиган тизимларида экинларни эгат усулида етиштириш тупроқда илдизларнинг ривожланиши учун чуқурлик кўпроқ бўлишига имкон беради.

Тупроқнинг pH кўрсаткичи

Водород кўрсаткичи сувнинг водород эркин ионлари билан тўйинганлиги даражасини билдиради. Буни акс этириш қулай бўлиши учун маҳсус кўрсаткич киритилган бўлиб, у pH деб аталади ва водород ионлари билан тўйинганлик логарифмини англатади. pH микдори сувнинг таркибий қисмларга ажrali-

2-жадвал. Тупроқ зичлигининг энг мақбул кўрсаткичлари ва турлича хусусиятга эга бўлган тупроқлар учун илдизларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи тупроқ ҳажм массаси кўрсаткичлари, г/см³.

Тупроқ хусусияти	Тупроқ ҳажм массаси [г/см ³]		
	энг мақбул	илдиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин	илдиз ривожланишини чеклаши мумкин
Кум – қумоқ тупроқ	< 1,60	1,60-1,80	> 1,80
Қумоқ – чангсимон оғир қумоқ тупроқ	< 1,40	1,40-1,75	> 1,75
Қумоқ тупроқ – соғ тупроқ	< 1,10	1,10-1,60	> 1,60

шида ҳосил бўладиган сувдаги H^+ ва OH^- ионлари миқдори нисбати билан белгиланади. Агар сувда водороднинг эркин ионлари ($pH > 7$) таркиби OH^- ионларига нисбатан паст бўлса, унда сув ишқорли бўлади, сув таркибида H^+ ионлари кўпроқ бўлса ($pH < 7$), у ҳолда сув кислотали бўлади. Соғ дистилланган сувда бу ионлар мувозанатланган кўсатада бўлади ва сув нейтрал ҳисобланади ($pH = 7$). Сувда турли кимёвий моддаларнинг эришида бу мувозанат бўлади ва натижада pH даражаси ўзгаришга учрайди.

Шундан келиб чиқиб, тупроқнинг pH кўсаткичи тупроқ аралашмаси (тупроқнинг сув ва озуқа моддалари аратмаси) қай даражада кислотали ёки ишқорли эканлигини кўрсатади. pH даражасининг 7дан пастлиги кислоталидан, 7,0 – нейтрал кўрсаткични, 7дан ўзгаришада ишқорлиликни англатади. pH 7,2гача кўрсаткичга эга бўлса, бу нейтрал кўрсаткичга яқин ҳисобланади (4-расм).


Қарорият қишлоқ ҳўжалиги ерлашадан сурʼаткичи 4,5 билан 8,5 оралашада бўлади. Дунёнинг ёғингарчилик майдори чекланган минтақаларида тупроқнинг яхши ишқорли, ёғингарчилик кўп майдори яйларда эса тупроқ кўпинча

кислотали бўлади.

Тупроқнинг pH кўрсаткичи унинг озуқа моддаларини етарли даражада етказиб бера олиши (яъни озуқа моддалари қанчалик осон эриши ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши) ҳамда биологик фаоллигига таъсир кўрсатади (2-лавҳа):

- Кислоталилик бактерияларнинг фаоллигини сусайтиради ва ўз навбатида органик бирикмаларнинг чириши ҳамда озуқа моддаларининг бўшалишини пасайтиради. Азотни тутиб қолувчи Rhizobium бактериялари, одатда, кислотали тупроқларда яхши ҳаракат қила олмайди.
- Ўта ишқорли тупроқлар биологик фаолликка путур етказади. Бунинг оқибатида қатқалоқ пайдо бўлиши, шўрланиш ва натрий ҳамда бошқа минералларнинг заҳарлилик даражаси ошиши кузатилади.
- Тупроқдаги pH миқдори нейтрал даражага яқин бўлганда ёмғирчувалчанглари юқори даражада фаоллик кўрсатади: $pH < 5$ ва > 7 бўлганда уларнинг фаоллиги кескин пасаяди.

Қишлоқ ҳўжалиги амалиётида тупроқнинг кимёвий ва физик хоссаларини яхшилаш мақсадини кўзловчи ме-



лиоратив чора-тадбирлар – ишқорли тупроқларнинг гипслашуви ва кислотали тупроқларнинг оҳаклашувидан фойдаланилади.

Тупроқдаги органик модда ва органик углерод

Тупроқ органик моддаси (ТОМ) тұғрисида алоҳида тұхталиб үтиш лозим, зеро у тупроқ сифатининг эңг мұхим күрсаткичларидан бириdir.

ТОМ – тупроқнинг органик таркибий қисми, у нобуд бўлган ўсимликлар

ва жониворларнинг чиришнинг турли босқичида бўлган тўқималаридан иборат. ТОМ ўсимликларнинг тупроқ юзасидаги янги ва чиrimаган тўқималарини ўзи ичига олмайди. ТОМ биринчи навбатда ўсимликлар ривожи учун зарур ТОУ, шунингдек, озуқа макро ва микроэлементлари ҳамда ноорганик углероднинг муайян миқдоридан иборат.

ТОУ агроэкотизимларнинг умумий биологик барқарорлигига таъсир кўрсатади. У тупроқнинг физик хоссалари

2-лавҳа. Тупроқдаги углерод манбалари

Тупроқда углерод ҳам органик, ҳам ноорганик ҳолатда мавжуд бўлади, яъни углерод оксидланган ва оксидланмаган ҳолатда учрайди. Ҳар икки шаклдаги углероднинг умумий миқдори «углероднинг умумий таркиби» деб юритилади. Ноорганик углерод тупроқ ости қатламларидан ажралиб чиқкан турли минераллар ва тузлар кўринишида учрайди. **Тупроқ органик углероди (ТОУ)** – тупроқ органик моддаси (ТОМ) таркибидаги мавжуд углерод бўлиб, у ТОМ массасининг ўртача 58%ни ташкил этади.

Тупроқ органик моддаси (ТОМ) атамаси тупроқдаги органик таркибий қисмларни англатади: нобуд бўлган ўсимликлар ва жониворларнинг тўқималари, ўлчамлари 2 мм дан кичик бўлган материаллар ва чиришнинг турли босқичида бўлган тупроқ организмлари шулар жумласидандир. Тупроқнинг юзасидаги чиrimаган материаллар (тўкилган барглар ва шох-шабба, ўсимлик қолдиқлари, новдалар ва илдизлар қолдиқлари)нинг ўлчамлари, одатда, 2 мм дан кичик бўлади ва ТОМ таркибига киритилмайди ҳамда органик модда деб юритилади. ТОМ одатдагидан бойрок, органик моддаларга солиширганда эса углеводородга, кислородга ва водородга камбағалпроқ бўлади, чунки минераллашув жараёнида кислород бушатилади ва биринчи навбатда полисахаридларни чиритади, бунинг натижасида эса барқарор бирикмаларнинг жамланиши ошади.

ТОМнинг ўлчами, уларнинг чириганлик ҳолати, кимёвий ва физик хоссаларига қараб ТОМнинг қуйидаги манбалари фарқланади:

- **Лабиль (фаол) манба** – камроқ чириган органик моддалар бўлиб, ўлчамлари 2 мм дан кичик (органик модданинг ТОМ таркибига кириши учун чегара), бирок 0,25 мм дан катта (агрегатларнинг макроагрегатлар деб ҳисобланиши учун энг кичик ўлчам). Бу манба асосан (барқарор бўлмаган) макроагрегатларда қисман сақланадиган янги ТОМдан иборат бўлгани боис (масалан, ўсимлик қолдиқлари) тез айланади ва ердан фойдаланиш усуllibарига, шунингдек, атроф-муҳит шароитларига таъсиричан бўлади. Мазкур хоссаларга эгалиги туфайли ТОМнинг лабиль манбалари ер усти экотизимларида углерод ва азотнинг қисқа муддатли айланувида (микроб организмлари ва атмосфера ўртасидаги узлуксиз оқимда) мұхим аҳамиятга эга ва агротехник тадбирларнинг ўзгартирилишига жавоб тариқасида тупроқ углероди таркибидаги қисқа ва ўрта муддатли ўзгаришларнинг сезгир индикаторлари сифатида кўлланилиши мумкин.
- **Органик углерод зарралари** ТОМнинг ўлчамлари 0.25 мм дан кичик ва 0.053 мм дан катта (250-53 μ) бўлган зарралари ҳисобланади. Бу лабиль, эримайдиган, гумусдаги ТОУ таркибидаги янги органик материаллардан ТОМ узлуксиз ҳосил бўлиши оралиқ элементлари ҳисобланиб, унинг ичидаги янги қўшилган жонивор ва ўсимлик қолдиқларидан тортиб то қисман чириган органик материалгача мавжуд бўлади.

(тупроқнинг агрегатлашуви ва унинг намликни тутиб туриши), унумдорлик нинг кимёвий жиҳатлари (озуқа элементларидан баҳраманд бўла олиш)ни таъминлашда, шунингдек, атмосфера даги углеродни ютувчи сифатида муҳим ахамиятга эга. ТОУ тупроқнинг тузилмасини зарраларни барқарор агрегаттарга боғлаш орқали яхшилади, шунингдек, тупроқнинг сув тутиб туриш қобилияти, сув ўтказувчанлик, аэрация ҳеби физик хоссалари яхшиланиши таъмин этадики, бу ўсимликларнинг соғломлиги ва унумдорлиги учун қулай ўтилар яратилишини англаради. Бошқа таъмин этади, ТОУ тупроқнинг сув тутиб туриш қобилияти, унинг тузилмаси таъминорлигини таъминлайди.

Нириш натижасида тупроққа қайсанган биомассанинг бир қисми узоқ заманниб қолувчи углерод бирикмаладиган айланади (масалан, гумус ва у бибоғлиқ органик-минерал мажмуаси). Бу фракция биомассанинг миқдори сипатига қараб ўзгаришларга учраб ва у биохилма-хиллиги бой бўлди. Затимларда юқорироқ бўлади. Натижасида тупроқдаги углерод манба келтирилган.

Натижасида тупроқларда биологик жаһон тупроқнинг таъминланишини таъминлайди, унинг углеродни узоқ муддат тутиб, таъмин янада барқарорлашувни беради. Углероднинг барқарорлашувинида илк микроагрегатлар макроагрегатларда шаклланади. Сейнчалик микроагрегатлар таъминланишида макроагрегат-

ларнинг барқарорлашуви (6-лавҳа) иклим омиллари ва куруқ мавсумларнинг

алмашиниши), биологик омиллар (босим ўтказувчи, сувни тортиб оловчи ва ажратмалар чиқарувчи, ҳам тупроқ агрегатларини боғловчи моддалар, ҳам бундан кейинги микроб фаолияти учун муҳит вазифасини ўтовчи илдизларнинг эскириши ва ўсиши) таъсир кўрсатади. Тупроқ тузилмасининг механик бузилиши (масалан, ерни ҳайдаш чоғида) ТОМ тўпланишига, айниқса, салбий таъсир кўрсатади, чунки бу муҳим биологик жараёнларнинг бузилишига олиб келади.

Органик моддалар (масалан, ўсимликларнинг қолдиқлари), ТОМнинг юзада тўпланиши, ТОУнинг бундан кейинги вертикал стратификацияси, сув сингиши, эрозияга чидамлилик, тупроқда сув ва озуқа моддаларнинг сақлаб қолиниши орасида узвий алоқадорлик мавжуд. Шу тариқа, агар тупроқ юзасида қолдирилган ўсимликларнинг қолдиқлари миқдори етарли бўлмаса (яъни органик моддаларнинг келиб тушиши кам миқдорда бўлса), (6-лавҳа) бу нарса ТОУ барқарорлашувига тўсқинлик қилиб, унинг ўрнини бошқа омиллар/материаллар боса олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бериладиган асосий тавсия шундан ибораттаки, органик моддалар тупроқ юзасида сақланиши лозим. Органик қолдиқларнинг тупроқ билан аралаштирилиши барқарор ТОУнинг тез таназзулга учраши жараёнини келтириб чиқаради, бунга йўл қўймаслик лозим.

Органик моддалар ва тупроқ ҳаёти

Жонли тупроққина унумдор бўлиши мумкин. Тупроқ турли хил организмлар ҳаёт кечирадиган мураккаб муҳит (тупроқ биотаси) бўлиб, бу ерда йиртқичлар ва қурбонлар муносаба-

3-лавҳа. Түпроқнинг органик углероди барқарорлашуви жараёни

Фотосинтез жараёнида ўсимликлар углерод (карбонат ангидрид)ни ҳаводан олади ва углеродли бирикмалар (углеводлар)ни шакллантиради. Нобуд бўлган ўсимликлар ва жониворларнинг тўқималари (органик моддалар) түпроққа қайтганида, уларда чириш жараёни бошланади. Органик модданинг чириши – тупроқ организмлари томонидан амалга ошириладиган биологик жараён бўлиб, кетма-кет содир бўладиган жараёнлардан иборат ва уларнинг натижасида мураккаб тузилмалар ва молекулалар (полимерлар)нинг механик емирилиши (**майдаланиш**), кимёвий емирилиши (**минераллашув**) ва биокимёвий қайта тузилиши кечади. Факат қийин чирийдиган углерод фракциясигина (углеводларда 20% ва лигнинлар, танинлар, хушбўй аминокислоталарда ҳамда мумда 75%) барқарор ТОМ шаклланишида (**гумификация**) иштирок этади.

Органик бирикмаларни ноорганик бирикмаларга айлантириш, углерод тузилмаларини емириш ва янгиларини яратиш ёки углеродни ўз биомассасида захиралашда иштирок этувчи микроблар популяцияси органик моддаларнинг доиравий айланishi ва озуқа элементларининг түпроққа кўчишига кўмаклашади, шунингдек, түпроқнинг ўсимликларни озуқа элементлари билан тъминлаш қобилияти учун масъулдир. Аслини олганда, микроорганизмлар томонидан чиритиладиган органик молекулалар турли миқдорда бириктирилган азот, кислород, водород, фосфор ва олтингурутли углерод занжирларидан иборат бўлади. Түпроққа (микроорганизмлар учун озуқа ҳисобланмиш) ўсимликларнинг қолдиқлари/органик моддаларнинг кўшилиши тупроқ микроорганизмлари популяциясининг тарқалишига кўмаклашади. Барча янги микроорганизмлар органик моддадаги углерод томон интиладилар ва углероддан озуқа ва энергия манбаи сифатида фойдаланадилар (яни нафас олиш жараёнида электронларни кўчиришда уларни оксидлаш). Бирок, ўсимликларнинг қолдиқлари/органик моддаларни чиритиш ва углеродни ўзига сингдиришда микроорганизмларга азот керак бўлади: метаболик жараёнларни кўллаб-куватлаш учун бактерия углероднинг 5 атомини ассимиляциялаш учун азотнинг 1 атоми керак бўлади; замбуруғларга эса углероднинг 10 атоми учун азотнинг 1 атоми лозим бўлади. Ўртacha олганда, тупроқ микроорганизмлари ҳаётини тъминлаш учун углерод/азот мутаносиблиги 8/1 нисбатида бўлади. Бирок, оптималь саломатлик учун микроорганизмлар энергия олишда тахминан кўшимча яна 16 қисм углеродга эҳтиёж сезади. Демак, оптималь “таомнома” энергияга ва ҳаётий фаолияти давом этириш учун зарур воситаларга бўлган эҳтиёжни қоплаши ва ўсимликлар қолдиғининг углерод/азот мутаносиблиги 24~25 нисбатига тенг бўлиши талаб этилади.

- Агар ўсимликлар қолдиғидаги азот миқдори жуда кам бўлса, микроорганизмлар тупроқда мавжуд минерал азотдан фойдаланади (азот иммобилизацияси) ва шу тариқа ўсаётган экинларнинг азотдан фойдаланиши имкониятини камайтиради ва бу ҳолат углерод етказиб берилиши пасая бошламагунча давом этади.
- Агар органик қолдиқлардаги азот миқдори микроорганизмларнинг эҳтиёжидан ортиқча бўлса, у ҳолда ноорганик азот (яни аммоний ва нитрат кўринишидаги минерал азот)нинг бушалиши (азотнинг минераллашуви) юз беради ва ўсимликлар ривожи учун улардан фойдаланиш имконияти ошади.

Манзара янада аниқроқ бўлиши учун шуни таъкидлаш ўринлики, органик моддаларнинг чириши жараёнида микроорганизмлар турли хил маҳсулотларни (нафақат азотни) минераллаштиради ва түпроққа чиқарадики, кейинчалик улардан бошқа гетеротроф ва автотроф организмлар фойдаланади. Улар куйидагиларни ўз ичига олади: карбонат ангидрид; сув; ноорганик бирикмалар (ўсимликлар фойдаланиши мумкин бўлган ортиқча озуқа моддалари); ва янгидан синтезланган органик бирикмалар (ТОМ).

Ишлов берилган ТОМнинг кейинчалик чириши (микроорганизмлар ҳаётий фаолияти маҳсулотлари) янада мураккаб ТОМ шаклланишига олиб келадики, у ўсимликлар ва жониворларнинг дастлабки материалига қараганда чиришга камроқ мойил бўлади.

Углерод барқарорлашуви босқичлари:

1. Нобарқарор макроагрегатларнинг дастлабки шаклланиши. Ёш ва нобарқарор макроагрегатлар биологик жараёнлар натижасида шаклланади: ўсаётган илдизлар, замбуруғлар, бактериялар ва жониворларнинг фаолияти янги органик моддаларнинг ажратмалар ва түпроқнинг зарралари билан дастлабки бирикуvida бирламчи аҳамиятга эга. Ёш макроагрегатлар углерод ва азотнинг

микробларнинг ажратмаларидан ҳимояланишини таъминлайди, бирок уларнинг янада барқарорлашуви талаб этилади. Сувга нисбатан барқарор агрегатлар шаклланиши жараёни қарыш, намланиш-куриш цикллари (тупроқ зарраларининг янада яқынрок қайта тақсимланиши) ва (босим ўтказувчи, сувни тортиб олувчи ва ҳам боғловчи вазифасини, ҳам микроблар фаолияти учун мұхит вазифасини ўтовчи боғловчи модда сифатида ажратмаларни ишлаб чиқарувчи) илдизларнинг ривожланишини ўз ичига олади.

